

УНДАЛМАЛАР ВА МУРОЖААТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ПРАГМАТИК ЖИҲАТДАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Ж. Сейтжанов¹

Аннотация:

Ушбу тадқиқотда ундалмалар ва мурожаат бирликларининг қиёсий таҳлили лингвомаданий ва прагматик ёндашув асосида ўрганилади. Ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги мурожаат бирликларининг семантик, услубий ва интонацион хусусиятлари таҳлил қилиниб, уларнинг маданий ва нутқий мулоқотдаги роли очиқ берилади. Шунингдек, ундалмаларнинг эмоционал ва экспрессив хусусиятлари, уларнинг лингвопрагматик вазифалари ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: ундалма, мурожаат бирликлари, қиёсий таҳлил, лингвомаданият, прагматика, интонация, экспрессивлик, услубият, мулоқот.

Ўз даврида етук тилшунослар, ахборотнинг тўғри тушунилиши учун сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги билимидан ташқари, тингловчининг олам ҳақидаги билими, жумла қўлланаётган ижтимоий ҳолат ҳақидаги билими, сўзлаш жараёнида сўзлашувчилар руҳияти ҳақидаги билими ва бошқа билимларини ҳам кўшиш керак бўлиши ва ахборотни тушуниш жараёнида юқоридаги билимларнинг барчаси баробар хизмат қилади. Шунинг учун фақат бу билимларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олгандагина биз нутқий жараёнинг моҳиятини англашга яқинлашган бўламиз дея таъкидлаганлар.[3.8]

Кейинги пайтларда тилшуносликда ундалмаларга мурожаат бирликлари[4.33.] деб қаралиши, яъни “тил бойлигининг ўзига хос ифода воситаларидан бўлган мурожаат бирликлари ўз аҳамияти билан ажралиб туради. Маълумки, фанимизда бундай бирликлар ундалмалар деб номланади»[5.21].

Н.Ш.Аҳмедова ўз илмий ишида ундалмаларга янгича қараш билан ёндашиб, «ундалма» термини ўрнига «мурожаат бирлиги» деган терминни қўллашни таклиф қилади. Унинг фикрича: «Ундалма сўзи соф ўзбекча сўз бўлса ҳам, мурожаат бирлиги бирикмасига нисбатан тор тушунчани ифодалайди. Шунингдек, рус тилидаги обращение сўзининг «мурожаат, мурожаатнома» семаси шу сўзнинг энг фаол ишлатиладиган ифодаси ҳисобланади. «Ундалма» семаси эса тартибан ундан кейин турадиган ва «мурожаат» семаси асосида келиб чиқадиган семадир»[1.3].

Н.Ш. Аҳмедова фикрича, ҳар қандай мурожаат бирлиги мурожаат қилиш ва ундаш вазифасини бажаради. Баъзан бу бирлик фақат мурожаат қилиш учунгина хизмат қилади ва унда ундаш семаси бўлмайди. У қуйидаги мисолларни келтиради: “Болалар, яхши ўқинглар – мурожаат + ундаш маъноси”; “Болалар, мен кетдим – фақат мурожаат маъноси, ундаш маъноси мавжуд эмас”. Демак, ҳар қандай ундалмада мурожаат семаси мавжуд бўлса, ундаш маъноси ҳаммасида ҳам бўлавермайди. Ҳар иккала сема ҳам мавжуд ҳолларда мурожаат маъноси бирламчи бўлиб, ундаш маъноси мурожаат асосида юзага чиқади, яъни олдин мурожаат қилиниб, кейин бирор нарсага ундалади[1.7].

М.Йўлдошев ҳам ундалмаларни мурожаат бирликлари сифатида қарайди. Унинг фикрича, “мурожаат бирликларидан нутқда тингловчи эътиборини тортиш, хитоб қилиш, ундаш каби мақсадларда фойдаланилади”[2.159.].

Умуман олганда, мурожаат сўзларда бир вақтнинг ўзида ҳам интеллектуал ҳам экспрессив вазифани бажаради. Одатда мурожаат сўзлар купроқ эмоционал вазифани бажариши уларда соф буйруқ яъни, сўзловчининг истагини, буйруғини ифодалаш функциясини кузатамиз.

¹ Проф.Сейтжанов Жеткербай Елиубаевич, Қорақалпоқ давлат университети Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

Маълумки, буйруқ оҳангидаги ундалмалар икки хил муносабатни ифодалаш учун хизмат қилади:

1. Бирор иш – ҳаракатини бажартириш мақсадида;
2. Ҳаракатдан тўхтатиш, тинчлантириш мақсадида ишлатилади.

Н.Ж. Ярашева болалар нутқида қўлланувчи ундалмаларнинг номинатив, коннотатив, эмотив вазифасига кўра интонация орқали 20 дан ортиқ услубий маънони акс эттирганлиги аниқлаган. Жумладан, улар қаторига розилик ва илтимосни келтиради [5.21.].

Унинг фикрича “... ундалмалар кўпгина ўринларда гап бошида қўлланиши билан характерланади, гап семантикасига мувофиқ тарзда интонациянинг фаоллашуви турли услубий маъноларни юзага чиқаради. Шунингдек, ундалмаларда субъектив баҳо формасининг қўлланиши услубий маънони юзага чиқариш билан бир қаторда, ўзбек тилининг миллий-маданий жиҳатларини ҳам ёрқин намоён этади” [5.22.].

Бизнинг илимий ишимизнинг мавзуси чоғишгирма тилшуносликка мансуб бўлганлиги учун «ундалма» терминини ишлатдик.

Шуни таъкидлаш лозимки, шу пайтга қадар қорақалпоқ тили инглиз ва ўзбек тилларидаги ундалмалар билан чоғиштирилмаган. Ушбу мақоланинг бошқа тадқиқотлардан фарқи шундаки, унда ўзаро кескин тафовутга эга бўлган турли тизимли ва лингвомаданиятига дахлдор тиллар, яъни инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ундалмалар риторик аспектда тадқиқ қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Аҳмедова Н. *Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи*: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 3-7.
- [2]. Ёўлдошев М. *Бадий матн лингвопоэтикаси*. – Т.: Фан, 2008. – 159 б.
- [3]. *Новое в зарубежной лингвистике. Вып VIII*. 1988. – С. 8.
- [4]. Сайфуллаев Р.Р. *Кўрсатилган диссертация*. – Б. 33.
- [5]. Ярашева Н.Ж. *XXI аср ўзбек болалар адабиёти тили ва услубияти (Х.Тўхтабоев ижоди мисолида)*. Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. 54 б. – Б. 21.